


Тошкент ислом институтида якуний назорат имтиҳонлари ўтказилмоқда



14:36 / 23.01.2025 981

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институтида 2024-2025 ўқув йилининг I семестри якунланиши муносабати билан якуний назорат имтиҳонлари ўтказилмоқда.

Имтиҳонлар Nemis тизимида тест шаклида олинмоқда. Шунингдек, диний таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, талабаларнинг Қуръон оятлари, ҳадислар ва матнларни ёд олганлиги ҳамда ёзма нутқини баҳолаш мақсадида айрим фанлардан оғзаки ёки ёзма шаклда ҳам имтиҳонлар ўтказилади.

Якуний назоратнинг шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлаш учун барча жараёнлар техник кузатув ёрдамида фанларга тегишли кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларнинг билим даражаси ҳолисона баҳоланмоқда.

Имтиҳонлар талабаларнинг I семестрда эришган натижаларини баҳолаш ва уларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун муҳим босқич ҳисобланади. 2 ҳафтага мўлжалланган якуний назоратдан ўтган талабалар янги, II семестрда таълим олишни давом эттирадilar.